

НИКОҲ-ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛИГИ МУАММОСИНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРДА ТАЛҚИНИ

Ro‘zqulov Faxriddin Rasulovich Navoiy viloyati pedagoglarni yangi metodikalarga o‘rgatish milliy markazi direktori, psixologiya fanlari nomzodi, dotsent

Annotatsiya: Ушбу мақолада хар бир халқ, миллатнинг ўзига хос этнопсихологик хусусиятлари, миллий ва умуминсоний қадриятлар контекстида замонавий оилалардаги никоҳ ва оила муносабатларига асосланган идеални қарор топтириш долзарб аҳамият, омилларнинг психологик хусусиятлари ёритилган.

Kalit so‘zlar: оила, никоҳ, қадрият, халқ, миллат, эр-хотин, урф-одат.

Аннотация: В данной статье раскрываются специфические этнопсихологические особенности каждого народа, нации, в контексте национальных и общечеловеческих ценностей, актуальная значимость определения идеала на основе брачно-семейных отношений в современных семьях, психологические взгляды на факторы выделено.

Ключевые слова: семья, брак, ценность, народ, нация, пара, традиция.

Abstract: In this article, the specific ethnopsychological characteristics of each people, nation, in the context of national and universal values, the actual importance of deciding on the ideal based on marriage and family relations in modern families, the psychological views of the factors are highlighted.

Key words: family, marriage, value, people, nation, couple, tradition

Жаҳонда тез ўзгараётган, ривожланаётган ва трансформациялашаётган инсоният этногенезисининг асосини ташкил этадиган оила ва никоҳ муносабатлари соғлигини сақлаб қолиш, янада такомиллаштиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар контекстида замонавий оилалардаги никоҳ ва оила муносабатларига асосланган идеални қарор топтириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли оила ва никоҳ муносабатлари, эр-хотин ўртасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш, уларни турли тиббий ва ижтимоий таҳдидлар, заарли иллатлардан ҳимоя қилиш, тиббий-маънавий саводхонлигини ошириш, санитария ва гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилиш, жамиятда маънавий қадриятларни тиклашга доир илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хар бир халқ, миллатнинг ўзига хос этнопсихологик хусусиятлари мавжуд, улар маълум бир иқтисодий, савдо, ҳарбий эҳтиёж нуқтаи назаридан ўрганилади. Эҳтиёжнинг келиб чиқиши сабабларини, унинг юзага келишига туртки бўлган омилларини аниқлаш масаласи қадимги даврлар тарихини ўрганишдан бошланади. Турли халқлар психологияси ҳақидаги дастлабки тасаввурлар антик даврга яъни уларнинг яшаш турмуш тарзи, урф-одатлари,

шахслараро муносабатлари, оиласдаги хулқи ва ҳ.к. бориб тақалади. Абу Райхон Берунийнинг «Ҳиндистон» ва «Осотур ал-боқия» асарларида халқларнинг этнопсихологик хусусиятлари алоҳида қайд этилган. Маълум бир халқнинг этнопсихологияси ҳақида гап кетар экан, бунда уларнинг тили, афсоналари, урф-одатлари, анъаналари, эътиқоди, санъати, феъл-атвори, тарихи биринчи навбатда ўрганилиши лозим. Берунийнинг фикрича[24; 93-б.], бу жараённи ўрганишда муқаддас китоблар - Инжил, Қуръон, Авесто ёрдам беради.

XVII – XIX асрнинг йирик олимлари психологияда халқлараро этник фарқланишни табиий-иқлимий омилларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлаган ҳолда тушунтиришга ҳаракат қилган. XVIII аср этносларининг руҳий хусусиятлари асосан француз олимлари томонидан ўрганилган. Улар халқлар бир-биридан маълум бир психологик қирралар билан фарқланади, деб тўғри қайд қилишган. XVII асрда француз маърифатпарварлари «халқ руҳи» тушунчасини фанга киритганлар ва муаммоларни географик омил билан боғлиқ равишда ечишга ҳаракат қилганлар.

И.Г.Гердер (1744–1803) «халқ руҳи» ва «халқ характеристи» тушунчаларига изоҳ берган экан, уларни бир-биридан деярли ажратмаган. Халқ руҳини халқ оғзаки ижоди (биринчи ўринга қўйган), ҳиссиёт, сўз, меҳнат, яъни халқнинг бутун ҳаётини ташкил этувчи унсурларни ўрганиш орқали билиш мумкин, деб ҳисоблаган. Олим баъзи халқларнинг психологик портретини қуидагича чизади: масалан, немислар – жасур, олийжаноб, саховатли, уятчан, ҳақгўй, ҳалол, эҳтиёткор, виждонли; славянлар – қўли очик, меҳмондўст, «қишлоқ эркинлиги»ни яхши кўрувчи, осон бўйсунадиган ва ҳ.к.

Гегель «миллат ва элатларнинг асоси уларнинг «руҳи» эканлиги таъкидланади ва у руҳ халқнинг ичидаги яшайди, у орқали халқнинг тарихи ривожланади», - деб ёзган «Тарих фалсафаси» китобида. Халқнинг ўзгармас психик сифати иқлимининг ўзгармаслиги ва табиатнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқлиги айтилган. Масалан, сахро, денгизнинг узок ёки яқинлиги.

Гегель «Халқ руҳи» ҳақида фикр юритар экан, у евроцентрик реакцион концепцияни илгари суради:

немислар – тарихий халқ, олий миллат;

негрлар – кичкина миллат, маданият ва сўнгги ривожланиш билан қизиқмайдиган миллат;

мўғуллар – фақат бузғунчи, ҳеч нарса яратмайдиган миллат;

америка туб аҳолиси – ирқи мукаммал бўлмаган миллат.

Н.Г.Чернышевский ўтган замон халқларининг ақлий ва ахлоқий сифатларини уларнинг тарихий фаолияти ва турмуш шаклларига асосланиб тасаввур қилиш мумкин, дейди. Масалан, юнонларни санъатни севувчи, нозик эстетик ҳиссиётли, дабдабадан кўра нағисликни хуш кўрувчи, ҳузур қилишда ўзини сақловчи, вино, овқатда меъёрни билувчи миллат сифатида таърифланарди. Аммо, Н.Г.Чернышевский далилларга таяниб бунинг аксини

исботлаб беради: спартаналиклар, ливанлик, сиракузанлик, агригенлик, коринфликлар, афиналиклар.

Этнопсихологияни тадқиқ этишда немис психологи В.Вундтнинг алоҳида хизматлари бор. 1900 йилда олимнинг «Халқлар психологияси» асари нашрдан чиқди. В.Вундт биринчи этнопсихологияга оид илмий мақоласини 1886 нашрдан чиқарди. У халқлар, миллатлар психологиясининг асосий методи – маънавий ҳаёт унсурлари, яъни тил, афсона, урф-одатлар таҳлили, деб ҳисоблаган.

В.Вундт (1832–1920) қарашларининг муҳим томони шундаки, у этнопсихологик хусусиятларнинг шаклланиши ва ривожланишини тарихий жараёнлар, ижтимоий ҳодисалар асосида тушунтириб беришга ҳаракат қиласди.

Густав Шпет (1879–1940) этнопсихологиянинг предмети – «халқ руҳи» деб ҳисоблаган. У янги – «жамоавий кечинмалар» тушунчасини фанга олиб кирган. У Вундтнинг фикрига қарши чиқиб, «жамоавий кечинмалар» халқ руҳи ижодининг қисмлари сифатида эмас, балки шу руҳнинг ўзида намоён бўлишини исботлаб беради.

Герберт Спенсер (1820–1903) ибтидоий жамият вакилларини жисмонан, ақлан, руҳан тараққий этмаган, деб ҳисоблаган. У энг паст ақлий қобилиятни нафақат «кичик ирқ»ларга, балки саноатлашган давлатларнинг «кичик гуруҳ»ларига нисбатан ҳам қўллади. Эдуард Бернетт Тайлор (1832–1917) ҳам цивилизация ривожланишининг ирқий классификациясини инкор қилмаган.

Зигмунд Фрейд (1865–1939) англаниши қийин бўлган руҳий жараёнлар методи, яъни психоанализ асосчиси саналади. У бу метод ёрдамида маданият ва халқларнинг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш мумкин деб ҳисблайди. У психология соҳасига қўшган ҳиссалари натижаси ўлароқ XX асрнинг 20 - 30-йилларида илгари сурилган фрейдизм оқимиға асос солди.

Абрам Кардинер (1891–1981) «Индивид ва унинг жамоаси» (1937), «Жамиятнинг психологик чегараси» асарларида инсоннинг шахсий хусусиятлари туғилганиданоқ шаклана бошлишини (овқатлантириш, йўргаклаш, кўтариш, юришга, гапиришга, озодаликка ўргатиш кабилар орқали) ҳамда бу жараён 4-5 ёшигача давом этишини, бутун умри давомида ўзгаришсиз қолишини таъкидлайди.

Рут Бенедикт (1887–1948) «Жанубий Ғарб маданиятининг психологик типлари» (1928), «Шимолий Америкадаги маданиятларнинг конфигурацияси» (1932), «Маданият намуналари» (1934) номли асарларида турли халқлар маданиятларида ўзига хос шахслар жамоаси мавжудлиги ҳақидаги қарашларини баён этган.

Маргарет Мид (1901–1978) устози Ф.Боаснинг турли халқлар маданиятлардаги тарбия усули, шахслар ва уларнинг фаолиятларининг содир бўлиши ҳақидаги фикрини қувватлаган ҳолда инсон хулқ - автори, фаолияти, шахс хусусиятларининг биологик омили (ирқ) билан эмас, маданият билан боғлиқлиги ҳақида асосли илмий холосага келган. Кўриниб турганидек,

таҳлилга тортилган юқоридаги тадқиқотларда ўзбек ҳалқи ва оиласарини ўрганиш масаласи эътибордан четда қолган.

Этнопсихологик хусусиятлар ва унинг асосий элементи бўлган миллий-психологик қиёфани миллатнинг асосий белгиси сифатида ўрганиш муҳим. П.М.Рогачев ва М.А.Свердлинларнинг фикрича, «бу тушунчалар миллий муносабатлар таҳлилига ноаниқлик киритибгина қолмай, балки социологияда асосий тушунча саналган синфиийлик ва интернационалликка соя солади» [79, 24].

С.Т.Калтахчяннинг фикрига кўра, «агар миллий психологияни миллатнинг белгиларидан бири сифатида қабул қиласиган бўлсақ, миллатни ижтимоий-тарихий ҳодиса маҳсали сифатида эмас, табиий ва ўзгармас ҳодиса сифатида эътироф этишга тўғри келади» [79, 26].

Мулоҳазада фаол қатнашган Т.Бурмистрова ҳам миллат тушунчасига таъриф беришда миллий психологик қиёфани унинг белгилари қаторига киритмайди. У украин ва рус, грузин ва армян, немис ва француз каби ўхшашикларга эга ҳалқлар психологиясидаги фарқни белгилаш умуман мумкин эмас, деб ҳисоблади.

Миллий психологик қиёфа ва миллий характерни ўрганиш, В.Козлов фикрича, иллюзияга ўхшайди. Профессор С.Калтахчян фикрига кўра, «фақат синфий психология мавжуд, этник хусусиятлар ва миллий психологик қиёфа тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас» [79, 31].

Этнопсихология хусусиятларни ижтимоий воқелик сифатида ўрганган олимларнинг асосланган фикрларига қўшилишимиз мумкин. Юқорида таҳлилларни ўрганишимиз олиб борилган этнопсихологик тадқиқотларнинг маълум даврларда репрессияга учрагани, чет элларда олиб борилган этнопсихологик тадқиқотлар ва улардан олинган натижаларни ирқчилик, миллатчилик руҳида этник гуруҳларнинг руҳий жиҳатдан teng эмаслигини асослашга ҳаракат қиласиган. Масалан, этнопсихолог Р.Линтон ва А.Кардинерлар инглиз миллатининг руҳиятини кучли баҳолаб, бошқа ҳалқлар руҳий хусусиятидан устун қўяди ва бу ғояни илгари суради. Фикрларининг исботи сифатида улар Осиё, Африка ва Лотин Америкасидағи айrim ҳалқларнинг руҳий жиҳатдан етук эмаслигини «тасдиқловчи» қатор тадқиқотлар ўтказганини мисол қилиб келтиришган.

Миллатлар, ҳалқлар этнопсихологик хусусисиятлари ўрганилган тадқиқотчиларнинг кўпчилигига мазкур муаммонинг долзарблиги айтилиб, уни ўрганиш ниҳоятда мураккаблиги таъкидланган.

Ўрганишлар натижасида этнопсихологик хусусиятларни ўрганишдаги қийинчиликларнинг содир бўлишида қуйидагиларнинг сабаб бўлиши аниқланди:

миллий психологик қиёфани ўрганувчи этнопсихология фанининг мамлакатимиз яқин йилларда ривожланиб келаётганлиги ва унинг умумий масалаларини ҳозирга қадар тўла ишлаб чиқилмаганлиги;

бу масалада бир қатор чалкаш терминалогик қарашларнинг мавжуд эканлиги.

Юқорида келтирилган фикрлар сабаб этнопсихология фани узоқ вақт ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида ўз ўрнини топа олмади. Лекин бу қийинчиликлар миллий психологик қиёфа, миллий характер каби миллатнинг руҳий хусусиятларини мавжуд эканлигини инкор этишга асос бўла олмади. Бу соҳада муваффақиятли иш олиб бориш учун илмий текширишлар методикасини такомиллаштириш ва қатор фан вакилларининг – файласуф, тарихчи, этнограф, социолог, психолог адабиётшунос, санъатшуноссларнинг ҳамкорликда иш олиб бориши зарурлиги аён бўлиб қолди.

Шуни таъкидлаш керакки, яқингача «миллий психологик қиёфа» ва «миллий характер» терминлари синоним сўзлар сифатида ишлатиб келинди. Маълум даражада улар мазмун жиҳатидан ва руҳиятнинг асосий хусусиятларига тааллуқлилиги билан бир-бирига яқинлашса ҳам, лекин айнан бир хил тушунча эмас. Шунга қарамасдан айрим муаллифлар (Ш.Ботиров, Н.Джандильдин, К.Лонидзе), чет элдаги деярли барча олимлар «миллий характер»ни миллатнинг бутун психологик хусусиятларини ифодалаш учун синоним сифатида қўллашади.

Аслида «миллий психологик қиёфа» «миллий характер»га қараганда кенг тушунча бўлиб, «миллий характер» унинг таркибий қисмига киради. «Характер» маҳсус термин жиҳатидан кўпинча барқарор руҳий хусусиятлар мажмуаси сифатида тушуниладиган «миллий психологик қиёфа»га қараганда тордир. Бундан ташқари, миллий характер этник психологиянинг миллий психологик қиёфага қараганда анча ҳаракатчан, ўзгарувчан элементидир. Миллий характер асосан этник бирликнинг миллат сифатида шаклланган даврида вужудга келган бўлса, миллий психологик қиёфа этник бирликнинг барча тарихий давр босқичларига тааллуқли.

Тадқиқотчилар томонидан миллий психологик қиёфанинг нафакат табиати, моҳияти, шарҳланиши, тузилишининг ўрганилиши унда турлича қарашлар мавжуд эканлигини кўрсатди.

Миллий психологик қиёфанинг ички тизими ва структураси масаласи А.И.Горячеева, А.Беграмов, С.М.Юнусов, Б.Д.Паригин, Ф.Н.Филатов ва бошқа тадқиқотчилар томонидан атрофлича ёритилган [79]. Муаллифлар миллий психологик қиёфанинг ижтимоий ҳаётнинг реал воқелиги, миллатнинг асосий белгиларидан бири эканлигини тан олишда ҳамфир бўлсалар ҳам, лекин унинг структурасини белгилашда турлича қарашларга эга.

Ўзбек оиласаридағи ўзаро муносабатларни ўрганишда жадидчилик таълимотининг ҳам ўрни бекиёс. Жумладан, Абдулла Авлонийнинг асарларида айнан оила муҳитининг фарзандлар тарбиясидаги ўрнига алоҳида урғу берилган. Фикримизча, миллий психологик қиёфа, аввало, миллий характер, миллий урф-одатлар ва анъаналар, миллий туйғулар ва барқарор бўлган миллий дид каби элементларда тўла намоён бўлади ва миллий онг билан бирга этник психологиянинг бетакрор ва ўзига хос хусусиятларини ташкил этади. Айнан замонавий ўзбек миллатига хос бўлган этник хусусиятлар оила-никоҳ муносабатларида ҳам ўз аксини топган. Глобализация даврида миллатлараро муносабатларнинг кириб келиши ва

кенг тарқалиши миллий қиёфа характерининг ўзгаришларига олиб келиши табиий. У эса, миллий қадриятларни миллатга хослигини сақлаб қолиш ва тарбия орқали авлодларда етказиш оиласа боғлиқ эканини тасдиқлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бестужев – Лада И.В. История твоих родителей. Разговор с молодым поколением. – М.: Просвещение, 1988. - 112 с.
2. Бестужев - Лада И.В. Альтернативная цивилизация. – М.: Альгоритм, 2003. - 268 с.
3. Бобур Захирiddин. Бобурнома. /Захирiddин Муҳаммад Бобур; Тахрир ҳайъати А.Қаюмов, Ҳ.Султонов, Б.Аҳмедов ва бошқ.; Халқаро Бобур фонди. – Т.:Ўқитувчи, 2008. - 288 б.
4. Бурлачук Л.Ф., Коржова Е.Ю. Психология жизненных ситуаций. Учебное пособие. - М.: Российское педагогическое агентство, 1998. - 263 с.
5. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Тошкент, Университет, 1997. – 157 б.
6. Волкова А.Н. Социально-психологические факторы супружеской совместности. Автореф. дисс. ... канд. психол. наук. – М.:1979. – 17 с.
Бытовое насилие. Основы гендера теория и практика.Учебное пособие. – Ташкент, 2003. -С.280.